

Кабилова Зебинисо Муратовна, филология фанлари номзоди,  
Андижон ВХТХҚТУМОИ Тил ва адабиёт таълими кафедраси доценти.

Воҳидова Муқаддас Расулжоновна, Андижон ВХТХҚТУМОИ  
Тил ва адабиёт таълими кафедраси ўқитувчиси.

## **ОНА ТИЛИНИ ВА УНИНГ ТАРИХИНИ ПУХТА ЎРГАНИШ, ИЛМИЙ АСОСЛАБ БЕРИШ – ДАВР ТАЛАБИ.**

Мамлакатимизда ўзбек тилини илмий асосда ўрганиш борасида кенг кўламли тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Бу миллий истиқлол ғоясининг амалга оширилаётганлигининг амалий натижасидир.

Ўзбек тилшунослиги миллий истиқлол ғояси фалсафасига асосланади ва истиқлол ғояларини амалга ошириш учун хизмат қилади. Кейинги йилларда инсон ҳақидаги фанлар – тиббиёт, физиология, рухшунослик, социология каби фанлар шиддат билан тараққий этиб бормоқда. Буларнинг барчаси тилшунослик фанида акс этмасдан қолмайди.

Тилда фоносемантик воситаларнинг услубий имкон даражаси жуда кенг. Фоносемантик воситаларнинг **сўз семантик структурасига** ўзига хос таъсири борлигига оид қарашлар ҳам юзага келмоқда. Аммо бу борада бажарилган махсус ишлар жуда кам.

Жаҳон тилшунослигида фоностилистика янги оқимлардан бири саналади. Аммо ҳар қандай янгилик каби унинг ҳам чуқур тарихий илдизлари мавжуд. Антик файласуфларнинг ўз давридаги нотиклик, хаттотлик санъатларига оид фикрлари ана шундай замин вазифасини бажарди<sup>1</sup>.

Ўзбек тилшунослигида А.Ғуломов томонидан фоностилистикага оид дастлабки маълумотлар берилган<sup>2</sup>.

Кейинчалик бу қарашлар Э.Қиличев, Г.Яхшиева кабилар томонидан давом эттирилди<sup>3</sup>.

---

<sup>1</sup> Античные теории языка и стиля. - М.-Л.: Госиздат, 1936. - 274 с.

<sup>2</sup> Абдурахмонов Ф., Рустамов Ҳ. Она тили. 10-11-синфлар учун дарслик. - Т.: Ўқитувчи, 1995. -106 б.

Фоностилистикани мулоқотнинг турли соҳа ва ҳолатларида фонетик ходисаларнинг **услубий вазифа**лари, аҳамияти ҳақидаги қонуниятларни ўрганувчи фан сифатида тушуниш уни ижтимоий лингвистиканинг ташкилий қисмига айлантиради. Нутқнинг турли услубий кўринишларининг фонетик шаклланиши фоностилистик тадқиқот учун муҳим масаладир.

Ҳозирга қадар фоностилистикага доир тадқиқот ишлари жуда кам. Кейинги даврда ўзбек тилшунослигида фоносемантик воситаларнинг нутқда ва ҳатто ёзувдаги стилистик хусусиятларига доир қатор ишлар юзага келди<sup>4</sup>.

Ҳозирда мактаб ўқитувчилари олдида ўқувчи ёшларнинг **риторик ҳамда нутқий маданияти**ни шакллантириш, она тилини илмий ўрганишга қизиқтириш каби масалалар ётибди. Ўзбек нутқий намуналари: бадиий асарлар ва махсус тўпланган оғзаки нутқ материаллари ушбу масалаларни ҳал қилишда муҳим объект вазифасини бажаради.

Фонетик воситалар кўриш, эшитиш ва талаффуз орқали зоҳир бўлади. Ҳозирги кибернетика атамаларидан код атамаси энг урфга кирган атама ҳисобланади. Илмий адабиётлардан бизга маълумки. Ушбу атама тилшунослар томонидан ҳам фаол қўлланилмоқда. Табиатнинг **комбинация**ланиш хусусиятига эга бўлган маълум бир моддий сигнали код деб аталади.

Худди шундай сигналлар сифатида овоз, нутқ товушлари, талаффуз оҳанги, тон, урғу, турли товуш ўзгаришларини қабул қиламиз. Табиатнинг худди шундай моддий сигнали унинг бошқа иккинчи моддий сигналига ўтиши мумкин. Масалан: **ёзма нутқ, оғзаки нутқ ва ўқиш жараёнлари. Ёзма нутқ жараёнида товушлардан ҳарфларга, оғзаки нутқда нутқий ҳаракатдан товушларга, ўқиш жараёнида эса ҳарфдан товушга ўтиш кузатилади.**

**Нутқий ҳаракат → товуш → ҳарф. Демак бу ерда нутқий ҳаракат бирламчи код бўлиб, ундан товуший код, товуший коддан эса ҳарфий код**

---

<sup>3</sup> Қиличев Э.Р. Ўзбек тилининг практик стилистикаси. Т.: Ўқитувчи, 1985. -194 б.; Яхшиева Г. Ўзбек тилида фонографик услубий воситалар: Филол. фанлари номзоди ... дис. -Т., 1996. -132 б.

<sup>4</sup> Абдуазизов А. Фоностилистик воситаларнинг ўрганилишига доир // Ўзбек тили ва адабиёти. -1985. -2-сон. -Б. 24-28; Шарафуддинов Ҳ. Поэтик фонетика // Ўзбек тили ва адабиёти. -1978. -2-сон. - Б. 53-55; Яхшиева Г. Ўзбек тилида фонографик услубий воситалар: Филол. фанлари номзоди ... дис. -Т., 1996. -132 б.

келиб чиқади. Ушбу учала кодни ўзлаштириш тўғри нутқни таъминлайди. Демак тўғри нутққа эга бўлган она тили ва адабиёти ўқитувчилари ўз ўқувчиларининг ҳам тўғри нутқини шакллантира олади. Чунки улар тилимиздаги мавжуд барча сўзлар ва тил қодалари ҳам ўзига хос ва мос кодларда мужассамланганлиги, нутқий ҳаракат ҳамда товуший кодлар табиий яхлит системани ташкил этишини англаган ҳолда мулоқотга киришади.

Она тили ва адабиёти ўқитувчилари ўз ўқувчиларига **матн (нутқ)нинг** пишиқ, услубий раван, ҳиссий бўлишида фонетик воситаларнинг хизмати катта эканлигини кўра олиш ва уқтиришлари лозим.

Бизга тарихдан маълумки, халқимизнинг идеаллари ва мақсадлари, ижтимоий турмуши бир хил ҳаёт тарзида эмас. У мунтазам ижобий ўзгаришлар билан бойиб бормоқда. Демак, ўз навбатида халқимиз ҳаёти билан тилимизнинг ҳам луғат бойлиги чамбарчас боғлиқликда бойиб боради.

Тилни, хусусан, она тилини ва унинг тарихини пухта ўрганиш, илмий асослаб бериш – давр талаби. Негаки таълимий ва тарбиявий муаммолар ечими шу талаблар негизида ўз аксини топади.

Нутқий мулоқот жараёнида сўзнинг истемол доираси кенгая боради. Бунда фонетик мотивацияланишнинг ўрни ва роли каттадир.

Лингвистик ҳодисаларни инсон мулоқоти нуқтаи назаридан туриб тадқиқ қилиш замонавий тилшуносликнинг илғор йўналишларидан бирига айланди. Бундай коммуникатив ёндашиш тилни мулоқот воситаси сифатида ўрганиш учун илмий назарияларни ишлаб чиқишни тақозо этади.

Ҳозирда жаҳон тилшунослигида фоностилистикага, унинг объекти бўлмиш фонетик бирликлар, фонетик ҳодисалар ва фонетик воситаларнинг услубий хусусиятларини ўрганишга бўлган қизиқиш тобора кучайиб бормоқда<sup>5</sup>.

---

<sup>5</sup> Абдуазизов А. Фоностилистик воситаларнинг ўрганилишига доир // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 1985. - 2- сон. –Б. 24-28.

Фоностилистика ўзи нима? Фалсафанинг оддийдан мураккабга катъиятига амал қилган ҳолда фоностилистикани илмий таҳлил қилиш мумкин, яъни тилдаги сегмент бирликлар – нутқ товушлари, товуш бирикмалари, бўғин, (просодик) – оҳангнинг каттиқ ёки юмшоқлиги, баланд ёки пастлиги, чўзиқ ёки қисқалиги, нутқ бўлақларининг ажратилиши ва қўшилиши, мусиқийлик, урғу динамикаси, нутқ темпининг ўзгариши, паузалар ва уларнинг турлари, нутқий меъёр, адабий талаффуздаги оҳангдошлик (эвфонология), товуший рамз (звукосимволизм), фонетик синонимия, сўзловчининг ҳиссий ҳолати, шеърнинг ритмик ва мусиқий тузилишини тавсифлаш ва айримларини фонетик-услубий таснифлаш керак.

Фоностилистика тилшуносликнинг янги бўлими. Унинг шаклланишида антик файласуф ва алломаларининг ўз давридаги чиройли сўзлаш, нотиклик, хаттотлик санъатлари ва бошқа бир қатор фоностилистикага оид фикр ва ғоялари асосий замин вазифасини бажарди.

Ўзбек тилшунослигининг забардаст олими, марҳум профессор А.Ғуломов ўз даврида фоностилистикага оид дастлабки маълумотларни, яъни фонетик воситалар, уларнинг услубий вазифалари, фонетик услубларнинг фарқланиши, сўзлардаги оҳанг, улардаги ҳиссий бўёқ ҳақида аниқ кўрсатмалар берган<sup>6</sup>.

Профессор Э.Қиличев ўз ўқув қўлланмасида устоз А.Ғуломовнинг ушбу фикрларини кенгроқ ва батафсил ёритиб берган<sup>7</sup>.

Нутқнинг фоностилистик табиатини чуқур ўрганган она тили ва адабиёти ўқитувчиси ўз ўқувчиларига улар томонидан ўрганилаётган оғзаки ва ёзма матнларни янада яхшироқ уқишга ва бир қанча амалий масалаларни ҳал қилишга, яъни лингвистик қарашларнинг шаклланишига ёрдам беради.

Фоностилистик воситаларни кенг қўламда ўрганиш саводхонликни оширишнинг энг муҳим шартларидан биридир. Агар тарихга назар солсак,

---

<sup>6</sup> Абдурахмонов Ғ., Рустамов Ҳ. Она тили. 10-11-синфлар учун дарслик. - Т.: Ўқитувчи, 1995. -106 б.

<sup>7</sup> Қиличев Э.Р. Ўзбек тилининг практик стилистикаси // Педагогика институтлари филология факультетлари студентлари учун ўқув қўлланма. -Т.: Фан, 1980. - Б. 88-101.

фоностилистикага оид масалалар тарихи тилнинг тўғри меъёрлари, яхши услуб меъёрлари ҳақидаги олимлар таълимотига бориб тақалади.

«Риториканинг вазифаси у ёки бу фикрларни уйғотишдир».<sup>8</sup>

Ўзбек тили – халқимиз ва унинг маданияти, тарихи ҳақидаги далилий ҳужжат. У – миллатимизнинг беқиёс давлати. Тил – миллатимиз тириклиги. Она тилимиз орқали билимимиз, илмимиз, тажрибамиз, маданиятимиз, уқув ва малакамиз белгиланади. Тилга эътибор – элга эътибор деб бежиз айтилмаган. Чунки ҳар бир инсоннинг ўз ҳаётидаги яхши, эзгу амаллари, халқимиз тарихи ва маданияти, миллий қадриятлари ва турли хурофотлардан холи бўлган урф-одатлари, атрофидагиларга бўлган ҳурмат-эътибори, унинг ҳаётидаги рўшнолик, барака тил туфайли амалга ошади. Бунинг акси ҳам тил туфайли содир бўлади.

Бизнинг кундалик турмушимиз ҳам ижтимоий, ҳам лисоний табиатга эга. Тилимиздаги ҳар бир сўз кундалик турмушимизнинг кўплаб қатламларига сингиб кетган. XXI аср — электрон асрида **ижтимоий онгнинг ҳиссий баҳолаш имконияти янада ортиб, кескинлашиб бормоқда. Оқибатда сўзлар янги баҳолаш вазифаларига эга бўлмоқда. Бу барқарорлашган фонетик услубий воситалар тизимини ҳаракатга келтиради, тилнинг экспрессив имкониятлари эса турли-туман услубий инновациялар билан бойиб боради.**

Тасвирий санъатда энг асосийси ранг, чизиқлар, колорит ва бошқалар бўлса, тилшуносликда фонетик услубий материал вазифасини матн (нутқ)нинг умумий экспрессивлиги, хусусан, илиқлик/совуқлик, шавқсизлик/шавқлилик, истехзоли, кинояли, ҳазил-мутойибали, шўх/мунгли, хазинли, содда, тўғри/кўчма, табиий/сохта ва бошқа сифатлари бажаради.

**Ўзбек тилшунослигида бадиий санъатлар, уларнинг яратилиш сабаблари, ҳосил бўлиши, вазифа ва аҳамиятини ёрқинроқ кўрсатиб беришда сўз санъатининг ўрни, айнан шу сўзнинг санъат даражасига кўтарилишига муҳим ҳиссасини қўшган фонетик воситалар фонетик — услубий жиҳатдан**

---

<sup>8</sup> Античные теории языка и стиля. - М.- Л.: Госиздат, 1936. - 274 с.

тўла тадқиқ этилмаган. Зеро ҳар бир бадиий асар алоҳида-алоҳида тадқиқот манбаидир. Уларнинг ёзилиш услуби фонетик воситаларнинг махсус график шаклда ўзига хос хусусиятлар билан берилишини амалий кўрсатиб беради. Шу нуқтаи назардан келиб чиқиб, ҳар бир бадиий асар махсус ўрганилса, адибнинг маҳорати тўла ва атрофлича очилади. Бадиий асар таҳлиliga бундай ёдошишнинг амалий натижаси саводхонликнинг ошишида кўринади.

### **Резюме**

Мақолада нутқнинг фоностилистик табиатини чуқур ўрганиш орқали ўқувчиларга оғзаки ва ёзма матнларни янада яхшироқ ўқишга ҳамда бир қанча амалий масалаларни ҳал қилишга, яъни лингвистик қарашларнинг шаклланишига ёрдам бериши таъкидланган.

Фоностилистик воситаларни кенг кўламда ўрганиш саводхонликни оширишнинг энг муҳим шартларидан бири эканлиги юзасидан фикр юритилган.

### **Таянч сўз ва иборалар:**

Фоносемантик восита, услубий имконият, сўз семантик структураси, услубий вазифа, ижтимоий лингвистика, риторик ва нутқий маданият, моддий сигнал, ёзма нутқ, оғзаки нутқ ва ўқиш жараёнлари, яхшироқ ўқиш, лингвистик қарашлар, тилнинг тўғри меъёрлари.

### **Резюме**

В данной статье утверждается, что глубокое изучение фоностилистического характера речи помогает ученикам чутко воспринимать устные и письменные тексты, а также помогает решать несколько практических задач, то есть формированию у них лингвистических взглядов.

В статье излагаются взгляды о всестороннем изучении фоностилистических средств, являющихся одним из условий повышения грамотности.

### **Опорные слова и выражения:**

Фоносемантическое средство, стилистический потенциал, **семантическая структура слова**, стилистическая функция, социальная лингвистика, риторическая и речевая культура, материальный сигнал, письменная речь, **устная речь, процессы чтения, лингвистические взгляды, правильные нормы языка**

### **Resume**

In this article was given an idea for teachers of mother tongue and literature about solving different problems of pupils to improve their oral and written texts such as helping to form their linguistic approach by learning phonostylistic features of speech.

Ideas are given about learning the means of phonostylistics widely is one of the most important step of improving literacy.

### **Basic words and phrases:**

The means of phonthemantics, stylistical opportunities, **themantic structure of words**, stylistical tasks, social linguistics, the culture of making speech, financial signal, written speech, oral speech and reading process, learning better, linguistic approach, language norms.

### **ТАЛАБНОМА**

Иштирокчининг Ф.И.Ш.	Кабилова Зебинисо Муратовна
Шўъба номи	Баркамол авлод тарбиясида тарихий ва маънавий меросдан фойдаланишнинг илмий ва педагогик асослари.
Мақоланинг мавзуси	Она тилини ва унинг тарихини пухта ўрганиш, илмий асослаб бериш –

	давр талаби.
Лавозими, илмий даражаси, унвони	Кафедра мудири, филология фанлари номзоди, доцент.
Иш жойи	Андижон вилояти халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш институти
Телефони (коди билан)	+99891 493 02 93
E-mail	shohqiz@mail.ru

### ТАЛАБНОМА

Иштирокчининг Ф.И.Ш.	Воҳидова Муқаддас Расулжоновна
Шўъба номи	Баркамол авлод тарбиясида тарихий ва маънавий меросдан фойдаланишнинг илмий ва педагогик асослари.
Мақоланинг мавзуси	Она тилини ва унинг тарихини пухта ўрганиш, илмий асослаб бериш – давр талаби.
Лавозими, илмий даражаси, унвони	Ўқитувчи
Иш жойи	Андижон вилояти халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш институти
Телефони (коди билан)	+998906257258
E-mail	